



## Парламент эшитуви

# ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ОЛИЙ МАЖЛИСИНING ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

**18 ДЕКАБРЬ КУНИ ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА 2011-2015 ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI САНОАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ БЎЙИЧА ДАСТУР БАЖАРИЛИШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДАГИ ПАРЛАМЕНТ ЭШИТУВИ БЎЛИБ ЎТДИ.**

Ушбу масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ф.Ибрагимов ахборот берди. Ишбилармонлар ва тадбиркорлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг парламентдаги фракцияси ташаббусига кўра бу тадбир Дастур бажарилишининг боришини танқидий жиҳатдан та-

лил этиш, Ватанимиз саноатини ривожлантиришнинг қонунчилик базасини янада такомиллаштириш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, мазкур кенг қўламли ишда депутатлар корпусининг фаоллиги ва ролини ошириш мақсадида ўтказилди.

Шу нарса таъкидландики, Дастурда барча молиялаштириш

манбалари ҳисобидан саноатда умумий суммаси қарийб 50 миллиард доллар бўлган 500 дан зиёд йirik инвестиция лойиҳаларини, шу жумладан, геология ҳамда иссиқлик-энергетика комплексларида, кимё, нефть-кимё ва металлургия саноатида умумий суммаси 41,8 миллиард доллар бўлган 220 та лойиҳани амалга ошириш назарда тутилган. Мамлакатимиз саноати ва иқтисодиётининг рақобатдошлигини оширишга, жаҳон конъюктурасидаги ўзгаришларга, шунингдек, тузилма ташкил этувчи тармоқлар ривожланишига боғлиқлигини камайтириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Энергетикани, нефть-газ-кимё ҳамда кимё саноатининг жадал

ривожланишини таъминлаш, шунингдек, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини камайтириш юқори қўшимча қийматга эга ва дунё бозорида талаб кучли бўлган рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш имконини беради. Шунингдек, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилашга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш, саноатга илгор инновацияларни илдам жорий этиш, саноат ички кооперацияси ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш ҳам кўп жиҳатдан ана шунга кўмаклашади.

(Давоми 2-бетда.)

## ЎзХДП: усувор вазибалар

# ОЛДИМИЗДА ТУРГАН ВАЗИФАЛАРНИ БАЖАРИШДА

қатъий интилиш ва талабчанлик кўрсатиш зарур

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI КОНСТИТУЦИЯСИ ҲАЁТИМИЗНИНГ ЯНАДА ОБОД ВА ФАРОВОН БЎЛИШНИ ТАЪМИНЛАЙДИГАН ИСЛОҲОТЛАР ИЗЧИЛЛИК БИЛАН АМАЛГА ОШИРИЛИШИ УЧУН МУСТАҲҚАМ ҲУҚУҚИЙ АСОС БЎЛИБ ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА.

Ўтган давр мобайнида Ўзбекистонда демократик давлат, фуқаролик жамияти қуриш, бозор иқтисодиёти муносабатларини ривожлантириш жараёнида муҳим натижаларга эришилди. Халқимизнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллиги, сиёсий ҳуқуқий маданияти юксалмоқда. Одамлар онгда мамлакатда ва унинг ташқарисида рўй бераётган воқеаларга дахлдорлик, яратувчанлик ишларида фаол иштирок этишга интилиш хисси тобора мустаҳкамланиб бормоқда.

Дунёқарашимиз, тафаккури-миздаги бу ўзгариш ва янгила-нишлар эса демократик жараёнлар чуқурлашиши ва иқтисодий ислоҳотларнинг ижтимоий самардорлигига ҳаётий қувват бахш этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 20 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги нуктида бу борадаги ишларнинг усувор йўналишлари аниқ белгилаб берилди.

2013 йилнинг март ойида «Обод турмуш йили», деб эълон қилиниши Ўзбекистон Халқ демократик партиясига алоҳида масъулият юклайди. Бунда парламентдаги партия фракцияси ва маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳларининг партия-миз электоратининг узоққа мўлжалланган ижтимоий манфаатларига хизмат қилувчи фаолиятини кучайтириш, усувор ижтимоий ва иқтисодий вази-фаларни бажаришда фаол иштирок этиш ҳамда мазкур масалаларда кўпроқ амалий натижаларга эришишни Ўзбекистон ХДП ўзининг бош мақсади ҳисоблайди.

ЎзХДП ташкилотлари ва депутатлик бирлашмаларининг партия-мизнинг 2012 йилга мўлжалланган амалий ҳаракатлари дастури доирасидаги фаолият ўзининг натижаларини бермоқда.

Партия-мизнинг вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари томонидан ўз мажлисларида жойлардаги

турли ижтимоий муаммолар ҳал этилишига кўмаклашиш билан боғлиқ 100 дан ортик масала ўрганилиб, кўриб чиқилди. Булар, хусусан, янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш, касаначиликни ташкил этишнинг замонавий шакллари ривожлантириш, қишлоқда жойларда аҳолига хизмат кўрсатишнинг замонавий инфратузилмасини шакллантириш, уй-жой ҳўжалиги ва коммунал соҳани такомиллаштириш ва бошқа ижтимоий аҳамиятга эга вази-фалардир. Ўрганилиб, муҳокама қилинган масалалардан 70 таси партия депутатлик гуруҳлари томонидан тегишли маҳаллий Кенгашлар сессиялари ва доимий комиссияларига киритилди. Улар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

2012 йилнинг февраль ойидан бошлаб партия Марказий Кенгашлари томонидан Қорақалпоғистон Республикасида, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги ЎзХДП депутатилик гуруҳларининг қўшма мажлислари ўтказилиши йўлга қўйилди. Мазкур мажлислар кун тартибига хусусий инвестициялар ҳисобига амалга оширилган қўшимча инвестиция лойиҳаларида партия депутатлик бирлашмаларининг иштироки масаласи киритилди. Маҳаллий манбалар ва инфратузилмани ҳисобга олган ҳолда тайёрланган лойиҳаларни туманлар ва шаҳарларнинг ҳудудий ривожланиш дастурларига киритиш мўлжалланган.

Ушбу қўшма мажлисларда ишлаб чиқилган тақлифлар бўйича тегишли ҳудудий инвестиция дастурларига шаҳар ва туман маҳаллий Кенгашлари ва ҳокимликлар қарорларига биноан маҳаллий манбалар ва хусусий инвестициялар ҳисобига амалга ошириладиган, умумий миқдори 13902,5 миллион сўмни ташкил этувчи қўшимча 97 та инвестиция лойиҳаси киритилди. Қувонарлики, уларнинг амалга ошиши қўшимча равишда 1000 дан ортик янги иш ўрнини ташкил этиш имконини берди.

Жорий йилнинг бошидан партия депутатлик бирлашмалари ЎзХДПнинг маҳаллий ташкилотлари билан биргаликда жойларда парламент томонидан 2012 йил учун қабул қилинган Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури ижроси бўйича тизимли жамоатчилик ва депутатлик назоратини амалга оширди.

Партия фракцияси аъзолари билан биргаликда жойларда амалга оширилган депутатлик назорати фракцияга 2012 йилнинг сентябрида бандлик масаласини Олий Мажлис Қонунчилик палатаси сессияси муҳока-масига тайёрлаш, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири ахборотини эшитиш ташкил этиш имконини берди. Бунда фракция аъзолари томонидан келгусида Дастурни тайёрлаш ва ижросини назорат қилишни такомиллаштириш бўйича қатор тақлифлар берилди. Мазкур тақлифлар 2013 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурига тайёрлаш ва тасдиқлаш жараёнида инобатга олинди.

Шу ўринда тан олиш керакки, ЎзХДПнинг халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари орасида ҳозирча суст ишлаётганлари оз эмас. Улар партия электорати манфаатларини ифода этиш ва ҳимоялашда, турли ижтимоий масалаларни депутатлик ваколатлари асосида ҳал этиш жараёнида етарли ташаббус кўрсатмапти.

Маҳаллий Кенгашлардаги айрим партия депутатлик гуруҳлари ишида эса қонунлар ижроси бўйича депутатлик назоратини олиб бориш, ислоҳотларнинг ижтимоий самардорлиги ошишига ҳалақит бераётган камчиликларни бартараф қилишда қатъийлик ва талабчанлик етишмапти. Маҳаллий Кенгашларга ЎзХДПдан сайланган депутатлар масъулиятини ошириш бўйича аниқ чоралар кўрмаётган туман ва шаҳар партия кенгашлари раислари бундан тегишли ҳулоса чиқариши керак.

Келгуси йилда бу ишни янги даражага кўтаришимиз талаб этилади. Ҳозирда партиянинг барча ташкилотларида ЎзХДПнинг 2012 йил учун амалий ҳаракатлари дастурини бажариш ишлари яқун ясалмоқда. Айни пайтда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгесидаги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашидаги депутатлик бирлашмаларининг 2013 йилги аниқ вазибаларини белгилаш

жараёни кетмоқда. Бу масала халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларида ташкил этилган ЎзХДПнинг 185 та партия гуруҳига ҳам тааллуқлидир. Алоҳида таъкидлаш жоизки, ушбу вазибаларни белгилаб олишда «Обод турмуш йили»нинг муҳим усувор йўналишлари асос қилиб олинмоқда.

Аҳоли фаровонлиги ва реал даромадларини ошириш вазибалари бажарилишида партия-мизнинг барча ташкилотлари ва депутатлик бирлашмаларининг самарали иштирокини таъминлаш жуда муҳимдир.

Авалло, хусусий инвестициялар ва маҳаллий манбалар ҳисобига амалга оширилаётган қўшимча инвестиция лойиҳаларини шакллантиришда партия депутатлик гуруҳларининг муқо-бил тақлифларини ишлаб чиқиш ва инвестиция дастурига киритиш амалиётини изчил давом эттириш зарур. Партия ишининг бу йўналишини муҳим вазибалардан, деб ҳисоблаймиш. Чунки шу орқали ички бозорни ўзимизда ишлаб чиқарилган товар ва хизматлар билан тўлдириш ва яхши ҳақ тўланадиган барқарор иш ўринлари яратиш имконини янада ошади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги муҳокамалар чоғида фракция-миз киритган тақлифлардан келиб чиққан ҳолда, 2013 йил учун қабул қилинган Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг жойлардаги ижроси юзасидан депутатлик ва жамоатчилик назоратини амалга оширишга эътибор кучайтирилади. Биз Ўзбекистон ХДПнинг маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳларини бу масала бўйича мавжуд муаммо ва камчиликларни аниқлаш, бартараф этишда қатъий ва талабчан бўлишга йўналтирамиш.

«Обод турмуш йили»да давлат томонидан бериладиган ижтимоий ёрдам тизимини такомиллаштириш бўйича чораларни амалга оширишда маҳаллий партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмаларининг амалий иштирокига эришиш муҳим вазиба ҳисобланади. Шунинг учун бюджетдан мазкур мақсадга ажратилган маблағларнинг ижтимоий йўналтирилганлигини ошириш, тўғри тақсимланишини таъминлаш масаларида партия фракцияси аъзоларининг маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари билан ҳамкорлигини кенгайтириш мўлжалланмоқда.

(Давоми 2-бетда.)



## «ҚОР ПАРЧАСИ» — ҚИЗЛАРНИНГ СЕВИМЛИ ТУРНИРИ

КЕЧА ПОЙТАХТИМИЗДАГИ «ФОРУМ ЮНИОР СПОРТ» БОЛАЛАР СПОРТ МАЖМУИДА БАДИИЙ ГИМНАСТИКА БЎЙИЧА АНЪАНАВИЙ «ҚОР ПАРЧАСИ» ТУРНИРИ БЎЛИБ ЎТДИ. → 4

## Учрашув

КИБРАЙ ТУМАНИДАГИ «БАЙТҚЎРҒОН» ҚИШЛОҚ ФУҚАРОЛАР ЙИГИНИДА ЖОЙЛАШГАН СОҒЛОМЛАШТИРИШ МАЖМУАСИДА ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ҲАМДА «ИСТИКБОЛ» ЁШЛАР ҚАНОТИ ТАШАББУСИ БИЛАН ФУТБОЛ БЎЙИЧА АМПУТАНТЛАР ЎРТАСИДА УЧ КАРРА ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ ЎЗБЕКИСТОН ТЕРМА ЖАМОАСИ АЪЗОЛАРИНИНГ ЁШЛАР БИЛАН УЧРАШУВИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

# МАТОНАТЛИ СПОРТЧИЛАР

ДОИМО ДАВЛАТИМИЗ ВА ХАЛҚИМИЗ АРДОҒИДА

Унда ёшлар қаноти фаоллари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи аъзолари, ижтимоий ҳамкор ташкилотлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди. Тадбирни ЎзХДП Тошкент вилоят кенгаши раиси Сирожиддин Аъзамов киритиш сузи билан очди.

Мамлакатимизда аҳолининг имконияти чекланган қатлами давлатимизнинг доимий эътиборида бўлиб келган, — дейди **терма жамоа бошлиғи, «Дўстлик» ордени соҳибни Рустам Қориев.** — Бунинг исботи тарихида МДХ давлатлари орасида биринчи бўлиб юртимизда ногирон футболчилар жамоаси тузилганини айтиш мумкин. Жаҳон чемпионатларида илк чемпионлигимизни 2007 йилда кўлга киритдик. Иккинчи марта Аргентинада шохсупага чиқдик. Ушунда Президентимиз бизнинг ютуғимиз ҳақида тўлқинланиб гапирган эди.

Аргентинадаги жаҳон чемпионатида рақиб жамоа ва-

кили келиб «қаерликсизлар?» деб сўради. «Ўзбекистонликми?» десам, «қаерда жойлашган, эшитмаган эканман» деб қолди. Мен унга «ҳозир бизнинг йигитлар майдонга тушиб сизларни ютганидан кейин Ўзбекистон қаерда жойлашганлигини харитадан излайсиз» дедим.

Бу йилги муваффақиятимиз ҳам Юртбошимиз томонидан юксак баҳоланди. Президентимиз фармонига мувофиқ бир нафар мураббий «Дўстлик» ордени билан, икки нафар уйинчимиз «Жасорат» медаллари билан тақдирланди. Бу жамоамиз аъзоларига катта гуруру бағишлаши билан бирга, зиммамизга улкан масъулият ҳам юклайди, албатта.

Терма жамоа аъзоларининг етти таси Тошкент вилоятида истикомат қилади. Бизни бугун бу ерга тақлиф қилиб, ана шундай чиройли тадбирни уюштиргани учун ЎзХДП Тошкент вилоят кенгаши миънатдорлик билдираман.

— Болалигимдан футбол

уйнашга қизиқардим. — дейди **терма жамоа аъзоси Ҳайдарали Турсунбоев.** — Лекин кўнглимиз воқеа сабаб бу орзум ушмай қолганди. Бироқ оила аъзоларимнинг қўллаб-қувватлаши натижасида ампутантлар жамоаси сафига қабул қилиндим. Футболчилар ўз фаолияти давомида кўплаб гол уради. Лекин улар орасида бир умр хотирада сақланиб қоладигани кам бўлади. Шу йил октябрь ойида Россиянинг Калининград шаҳрида бўлган жаҳон чемпионати финалида мезбонларга қарши кечган ўйинда биз 1:0 ҳисобида ғалаба қозондик ва ҳал қилувчи голни мен киритдим. Ушбу ғалабамиз Ватанимизга кетма-кет учинчи марта чемпион сифатида қайтишимизни таъминлагани билан ғоятда қадрлидир.

Келаси жаҳон чемпионатларида ҳам юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиш мақсадида ўз устимизда тинимсиз ишламоқдамиз.

**Темур АЪЗАМ,**  
«Ўзбекистон овози»  
муҳбири.

## «ОБУНА — 2013»

— «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ДА ТАЪЛИМ СОҲАСИ, ТАЛАБАЛАР ҲАЁТИ, УЛАРНИНГ МАНФААТИГА БОҒЛИҚ МАВЗУЛАР ИЗЧИЛ ЁРИТИБ КЕЛИНАДИ. ШУ БОИС, БУ ГАЗЕТАНИ СЕВИБ ЎҚИЙМИЗ.



Янги йил кириб келишига 11 кун қолди. Янги йилда «Ўзбекистон овози» газетаси иш жойингизга, хонадонингизга кириб бориши учун обунани расмийлаштиришга шошиллинг.

**НАШР**  
**КЎРСАТКИЧИ — 220**

Терма давлат университети талабалари: Феруза ШОДИЕВА, Саодат РАҲИМОВА



Парламент эшитуви

ЎзХДП: «Истиқбол» ёшлар қаноти

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Чунончи, жорий йилнинг октябрь ойида қиймати 4,33 миллиард АҚШ долларига тенг бўлган 33 та инвестицион лойиҳа, шу жумладан, «Ўзбек-энерго» давлат акциядорлик компаниясида — 11 та лойиҳа, «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» ОАЖда — 6 та лойиҳа, «Навоий КМК» давлат корхонасида — 5 та лойиҳа, «Ўзбек-нефтьгаз» Миллий холдинг компаниясида — 4 та лойиҳа, «Ўзметкомбинат» ОАЖда — 4 та лойиҳа, «Ўзкимё-саноат» ДАҚда — 3 та лойиҳа ниҳоясига етказилди. Бу лойиҳаларнинг амалга оширилиши газ қувурларининг амалга оширилишига газ қувурларининг газ ташшиш қувватини йилга 30 миллиард куб метрга, сиқилган газ ишлаб чиқаришни 50 минг тоннага, нефть шламани қайта ишлашни йилга 5 минг тоннага кўпайтириш имконини беради. Электр энергияси ишлаб чиқариш, руда қазиб олиш ва қайта ишлаш кўпайди, объекларнинг инфратузилмаси кенгайтирилди ва модернизация қилинди. Косметика маҳсулоти, галантерея товарлари ва болалар ўйинчоқларининг янги ишлаб чиқаришлари ўзлаштирилди.

Парламент эшитувларига тайёргарлик кўриш бўйича тасдиқланган режага мувофиқ Қонунчилик палатаси томонидан тегишли ишчи гуруҳ ташкил этилиб, унинг таркибига ҳуқуқ, вазирилик ва идоралар вакиллари киритилди, масалани ўрганиш якунларига доир тахлилий материаллар тайёрланди.

Парламент эшитувларига тайёргарлик доирасида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан 50 дан зиёд учрашув ва давра суҳбатлари ўтказилиб, уларда 1,5 мингдан ортиқ соҳа мутахассислари, экспертлар ва иқтисодчи олимлар, давлат органлари ва ҳўжалик юривчи субъектларнинг, ишбилармон доиралар ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг вакиллари иштирок этдилар.

Қонунчилик палатаси депутатлари геология ҳамда иссиқлик-энергетика

(Давоми. Боши 1-бетда.)

комплексларининг, кимё, нефть-кимё ва металлургия саноатининг бир қатор саноат объектларида бўлдилар. Чунончи, Дастур бажарилишининг ҳолати жойларда: Қорақалпоғистон Республикасида — Сурғил кони базасида Устюрт газ-кимё комплекси курилиши объектларида; Қашқадарё вилоятида — «Муборак газни қайта ишлаш заводи» унитар шўъба корхонасида сиқилган газ ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун пропан-бутан қориммаси ускунаси курилди. Деҳқонobod калийли ўғитлар заводи қувватларини кенгайтиришда; Навоий вилоятида — «Навоий КМК» давлат корхонаси объектларида, Навоий иссиқлик-электр станциясидаги буғ-газ ускунаси курилди, техник кремний ҳамда косметика маҳсулотлари ишлаб чиқаришда; Тошкент вилоятида — «Ўзметкомбинат» ОАЖ, «Олмалиқ КМК» ОАЖ ва бошқа бир қатор корхоналарнинг объектларида ўрганилди.

2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини амалга ошириш бўйича Дастурнинг муҳокамаси жараёнида барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи вакиллари сўзга чиқдилар.

Ишбилармонлар ва тадбиркорлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси аъзолари Дастурга киритилган лойиҳаларнинг амалга оширилиши устидан парламент томонидан назорат қилиниши саноатнинг ривожлантирилишини ҳамда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш асосида барча саноат комплекслари ва корхоналарининг рақобатдошлигини қонунчилик йўли билан таъминлаш самардорлигини ошириш имкониятини яратишни таъкидладилар.

Шунингдек, депутатлар Дастурга киритилган инвестиция лойиҳаларининг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилиши муҳимлигини, бунда са-

ноат ички кооперациясини янада ривожлантириш ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш масалаларига, саноатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини таъкидладилар.

**Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси вакиллари Дастурда: «саноат корхоналарини мамлакатнинг барча минтақаларида жойлаштириш ва шу асосда импорт ўрнини босадиган маҳсулот ишлаб чиқарилишини, янги иш жойлари яратилиши ҳамда аҳолининг иш билан бандлиги ўсишини, одамларнинг даромадлари ва турмуш даражаси янада ошиб боришини таъминлаш» — саноатни ривожлантиришнинг асосий вазифаларидан бири этиб белгиланганига эътиборни қаратдилар. Бу, ўз навбатида, янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳолининг турмуш даражасини ошириш масалалари билан бевосита боғлиқдир. 2013 йилда мамлакатимизда 972 мингдан ортиқ иш ўринлари ташкил этиш мўлжалланаётганлигини ҳисобга олганда мазкур Дастурнинг амалга оширилиши устидан назорат қилиш ижро этувчи ҳокимият органларининг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиши лозим.**

«Миллий тикланиш» Демократик партияси фракцияси аъзолари сано-

атни изчил ва инновацион ривожлантириш, мамлакатимиз иқтисодиётининг рақобатдошлигини ошириш учун катта аҳамията эга бўлган Дастурни муваффақиятли бажаришда энг аввало, билимли, замонавий факторлар, интеллектуал жиҳатдан ривожланган ва юксак касб тайёргарлигига эга бўлган ёшлар муҳим гаров эканлигини таъкидладилар. Олий ўқув юртлари, коллежлар ва лицейлар, хусусан, машинасозлик, алоқа ва телекоммуникация соҳасидаги ўқув юртлари битирувчиларининг янада чуқурроқ техник ихтисослашувини таъминлаш муҳимдир.

Ўзбекистон «Адолат» Социал-демократик партияси фракцияси аъзоларининг фикрига кўра, электр энергияси ишлаб чиқаришда ва муқобил электр манбаларини ривожлантиришда янгилаб туриладиган технологиялардан фойдаланиш мамлакатимиз саноатини жадал ривожлантиришга, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархини пасайтиришга, маҳсулотнинг жаҳон бозоридagi рақобатбардорлигини оширишга хизмат қилади. Шунингдек, депутатлар ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг энергия сарфини пасайтириш ҳамда бу соҳада Дастурга киритилган лойиҳаларни амалга ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратдилар.

Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи вакиллари ҳуқуқатининг юқори технологияга эга бўлган ишлаб чиқаришларни жадал ривожлантириш, инновацион, экологик жиҳатдан тоза ва зарарсиз технологияларни жорий этиш соҳасида амалга ошираётган чора-тадбирлари жуда муҳимлигини таъкидладилар. Бунда саноатни модернизация қилиш бўйича лойиҳалар, аввало, минтақаларнинг экологик вазиятини, экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва аҳоли соғлигини сақлаш соҳасидаги миллий қонун ҳужжатларини инобатга олган ҳолда амалга оширилмоқда. Депутатларнинг фикрига кўра, Сурхондарё, Қашқадарё ва Фарғона вилоятларининг газ тақсимлаги тармоқларида табиий газнинг чиқиб кетишини камайтириш ҳамда Шимолий Шўртан, Гармистон ва бошқа конларда қоримма газларни утилизация қилиш бўйича лойиҳаларнинг амалга оширилиши умуман атроф-муҳит тозалигини таъминлаш имконини беради. Депутатлар парламент эшитуви якунлари бўйича Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг тегишли қарорини қабул қилдилар.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот хизмати**

ЎзХДП: устувор вазифалар

# ОЛДИМИЗДА ТУРГАН ВАЗИФАЛАРНИ БАЖАРИШДА

қатъий интилиш ва талабчанлик кўрсатиш зарур

Шунингдек, давлат томонидан ажратилаётган манзилли ижтимоий ёрдамни тақомиллаштириш бўйича чора-тадбирни амалга оширишда партиянинг маҳаллий ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари амалий иштирокига эътибор кучайтирилади. Шу муносабат билан маҳаллий бюджетлардан мазкур мақсадларга ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланишни назорат қилиш бўйича Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзоларининг маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари ҳамкорлигини кенгайтириш режалаштирилмоқда. Шу билан бирга бюджетнинг даромад қисмини ва бюджетдан ташқари ижтимоий жамғармаларни мустақамлаш масалаларига депутатлик бирлашмалари эътибори кучайтирилади. Айниқса, бюджетга янги иш ўринлари яратиш ва аҳолининг бандлиги даражасини ошириш билан боғлиқ бўлган қўшимча даромадларнинг тўлиқ тушишини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилади.

2012 йилда партияда «Маҳалла — манзилли ижтимоий ҳимоя маркази» мақсадли ижтимоий лойиҳасини амалга ошириш бўйича маълум тажриба тўпланди. Ҳўздўп Марказий Кенгашининг ушбу лойиҳани амалга оширишдан

кўзлаган бош мақсади партия электорати вакиллари манзилли ҳимоя қилиш масалаларини ҳал этишга фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ХДП ташкилотлари ва депутатлик бирлашмаларининг ёрдами кучайтириш, шунингдек, бу йўналишда фуқаролик жамияти институтлари билан партиянинг ижтимоий шерикчилигини янада ривожлантиришдан иборат бўлди.

Партиянинг барча ташкилотлари, туман ва шаҳар кенгашларида маҳалла фуқаролар йўғинларининг фаоллари иштирокида босқичма-босқич амалга оширилган ушбу лойиҳа доирасида меҳнатга лаёқатли аҳолини тўлиқ иш билан таъминлаш, жумладан, касаначиликнинг замонавий шакллари ташкил этиш орқали манзилли ижтимоий ҳимояни мустақамлашга жиддий эътибор берилди.

Мазкур лойиҳаниннг ижтимоий жиҳатдан яхши натижа берганини Тошкент шаҳри бўлган қўшимча даромадларнинг тўлиқ тушишини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилади. «Маҳалла — манзилли ижтимоий ҳимоя маркази» мақсадли ижтимоий лойиҳасини амалга ошириш бўйича маълум тажриба тўпланди. Ҳўздўп Марказий Кенгашининг ушбу лойиҳани амалга оширишдан

141 нафарига туман корхоналари билан биргаликда қўшимча равишда янги иш жойлари ташкил этилди.

Бундай мисолларни мамлакатимизнинг бошқа минтақалари бўйича ҳам келтириш мумкин.

Турли ҳудудларда партия депутатлик бирлашмалари аҳолини манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари амалий ҳал этилиши бўйича тахлилий ўрганиш олиб бормоқда. Лойиҳани амалга ошириш давомида унинг барча тадбирларида партиянинг Жамоатчилик қабулхоналари фаолияти кўрсатди. Уларда аҳоли муурожаатларини депутатлар — Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари аъзолари қабул қилишди.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ушбу лойиҳани 2013 йилда ҳам давом эттириш қарорини қабул қила туриб, партиянинг барча даражадаги ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари эътиборини маҳалла, яъни ўзини ўзи бошқариш органи фаолиятини, унинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётдаги роли ва таъсирини кучайтириш, шунингдек, маҳаллаларда манзилли ижтимоий ҳимоя тизимини янада тақомиллаштириш жараёнларида фаол иштирок этишга қаратади.

Партиянинг барча ташкилотлари ва депутатлик бирлашмаларининг келгуси йил

учун мўлжалланаётган юқоридаги вазифаларни амалга оширишдаги иштирокини кенгайтириш Ўзбекистон ХДПнинг 2013 йилга мўлжалланган амалий ҳаракатлар дастурининг муҳим йўналиши бўлиб қолади. Булар соғлиқни сақлашни тақомиллаштириш, халқнинг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш, янги уй-жойлар қуриш, транспорт ва бошқа коммуникацияларни ривожлантириш, аҳоли пунктларини ичимлик суви билан таъминлашни янада яхшилаш, коммунал хизматлар соҳасидаги ишларни кучайтириш билан боғлиқ вазифалардир.

Партияимиз келгуси йилда юқоридаги масалалар бўйича ўзининг дастурий устувор йўналишларини амалга оширишда ижтимоий жиҳатдан аҳамиятли натижаларга эришиши керак.

Келгуси йилда партиянинг, хусусан, «Фаол аёллар» қанотининг жамиятда хотин-қизларнинг роли ва мавқеи, ижтимоий фаоллиги оширилиши, ҳар бир хонадоннинг бекаси ҳисобланган аёлларга яхши шароитлар яратиш берилмоқда. 2013 йилнинг устувор вазифалари мустақил Ўзбекистоннинг миллий истиқлол госяси устуворлиқларидан бири — **Ватан равнақини, юртимиздаги тинчлиқни ва халқ фаровонлигини сақлашни**

таъминлаш мақсадида келиб чиққан ҳолда белгиланган.

Конституцияимизнинг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимда Президент Исрол Каримов таъкидлаганидек, **ҳар қайси уйда, ҳар қайси маҳаллада яшаётган одам тинчлиги ва осудаликнинг қадрига етиб, уни мустақамлаш, уни ҳимоялашнинг ўзининг бурчи деб билса, тинчлик учун курашсагина юрт тинчлиги ва ободлигидек эзгу мақсадга эришиш мумкин.**

Демак, ҳар бир Ўзбекистон ХДП аъзоси, электорат вакилларида фаол ҳаётий позицияни шакллантириш, мамлакатда амалга оширилаётган демократик ислохотлар жараёнида маъсуллик ҳисси билан иштирок этиш, шунга муносабат ҳисса қўлиш интилишини кучайтириш бўйича олиб борилаётган ишларимизнинг аҳамияти янада ошиб бормоқда.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси 2013 йилнинг муҳим устуворлиқларидан келиб чиқадиган вазифаларни бажаришда фаол иштирок этади. Ўз дастурий мақсадларини амалга оширишда ушбу позицияга таянган ҳолда электорат манфаатлари инфодаси ва ҳимояси йўлида аниқ натижаларга эришишга интилади.

**Латиф ҲУЛОМОВ, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши раиси.**



## БИЛИМ ВА КУЧИМИЗНИ

юрт равнақи йўлида сарфлаймиз

«ИСТИҚБОЛ» ЁШЛАР ҚАНОТИ НАВОИЙ ВИЛОЯТ БЎЛИМИ ТАШАББУСИ БИЛАН ЁШЛАРНИНГ СИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШГА БАҒИШЛАНГАН ДАВРА СУҲБАТИ ЎТКАЗИЛДИ. УНДА ВИЛОЯТ ПАРТИЯ КЕНГАШИ ХОДИМЛАРИ, КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ ТАЛАБАЛАРИ, ҚАНОТ ФАОЛЛАРИ ҲАМДА МУТАХАССИСЛАР ИШТИРОК ЭТДИ.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 20 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда Президентимиз «Бизнинг энг катта таянч ва сунъимиз, ҳал қилувчи кучимиз ёш авлодимиздир», деб таъкидлади. Давра суҳбатида ҳар бир ёш аввало, ана шу ишончга муносиб бўлиши, эгалланган билими, касби, меҳнати орқали юрт равнақига ҳисса қўлиши лозимлиги қайд этилди. Бу фаол ёшлар сафи янада кенгайишида муҳим аҳамият касб этади.

Давра суҳбатида ёшларнинг иқтидор ва салоҳиятларини рўёбга чиқариш учун мамлакатимизда етарли шароит яратилгани, улар жамиятда муносиб ўрин эгаллашига кўмаклашиш ёшлар қаноти олдида турган вазифалардан экани хусусида фикр юритилди.

Илҳом САТТОРОВ

Ижтимоий ҳимоя

# ЭЗГУ ВА ХАЙРЛИ ИШЛАР

ШЎРЧИ ТУМАНИДАГИ 122-СОНЛИ КАР ВА КЎЗИ ОЖИЗ БОЛАЛАРГА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ДАВЛАТ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ (МАКТАБ-ИНТЕРНАТИ) ТАРБИЯЛАНУВЧИЛАРИ ЎЗЛАРИГА ЯРАТИЛГАН ШАРОИТ ВА КЎРСАТИЛАЁТГАН ҒАМХЎРЛИКЛАРДАН МАМНУН.

Давлатимиз томонидан ис-тиқлолнинг биринчи кунлари-данқ аҳолининг ижтимоий муҳофазаси масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу ўзимизга хос ва мос тараққиёт йўлимиз — «Ўзбек модели»нинг устувор тамойилларидан бирига айланди.

Айниқса, мамлакатимизда кам таъминланган ва ижтимоий муҳофазага муҳтож қатлам вакилларига алоҳида ғамхўрлик кўрсатиб келинмоқда. Уларнинг турмуш фаровонлигини яхшилаш, соғлигини тиклаш, таълим-тарбия олишга етарли шароит яратиш борасида хайрли ишлар изчил амалга оширилаётгани бунинг ёрқин исботидир. Сурхондарё вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси тасарруфидда жисмоний нуқсонли болаларга ихтисослаштирилган 5 та мактаб-интернати фаолият кўрсатмоқда. Кейинги йилларда улар тубдан ўзгарди, бинолари замонавий таъмирланди, шарт-шароитлари йилдан-йилга яхшиланиб бормоқда.

Шўрчидаги мактаб-интернатда 410 нафар ўғил-қиз таълим-тарбия олмақда. Синф хоналар замонавий ўқув жиҳозлари билан таъминланган. Эшитишда нуқсонли бўлган ҳамда имконияти чекланганларни касбга йўналтириш бўйича дуррадорлик устахонаси, тикувчилик цехи мавжуд. Ёшлар дарсдан бўш вақтларида футбол, волейбол, баскетбол, кураш, шохмат-шашка, тўқувчилик, зардўзлик, рақс тўғаракларида қатнашадилар. Шунингдек, турли бадий адабиётларга бой кутубхона ҳам

улар ихтиёридадир. Ётоқхоналарда сўнгги русумдаги совутидан тортиб, рангли телевизионга муносиб бўлиши, ҳал қилувчи фокор ва б нафар ҳамшира ўғил-қизларнинг соғлигини тиклашда қамарбаста. Улар ҳар йили икки мартаба чаққурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилади.

Тарбияланувчилар мамлакатимизда ўтказилган шохмат, шашка, стол тенниси, бадминтон ва бошқа спорт мусобақаларида фаол иштирок этиб келишяпти.

— Жорий йилда вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси томонидан «Соғлом оила — давлат таянчи» широри остида ўтказилган шохмат мусобақасида жамоамиз 1-ўринни эгаллади, — дейди тарбияланувчи **Ғайрат Абдувоҳидов**. — Келажақда Рустам Қосимжоновдек жаҳон чемпиони бўлишни орзу қиламан...

— Ўтган йилларда 180 ўринли ўқув биноси, 75 ўринли ётоқхона ва замонавий спорт зали фойдаланишга топширилган эди, — дейди **мактаб-интернат директори Фахриддин Раунов**. — Яқинда эса ошхонамиз ва ёнгина қарши кураш тизими таъмирдан чиқарилди. Мўъжаз боғ яратилиб, 300 тупга яқин мева ва манзарали дарахт экилди.

Дарҳақиқат, юртимизда имконияти чекланган болалар ўзларини жамиятнинг тўлақонли аъзоларидек ҳис этишлари учун амалга оширилаётган бундай хайрли ва эзгу ишларни ҳар қадамда учратиш мумкин.

**Абдумалик ХАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.**

(Давоми. Боши 1-бетда.)



# ТОЗАЛИК ВА ОЗОДАЛИК МАСЪУЛИЯТИ

## Ободлик кўнгилдан бошланади

**■ ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ТОМОНИДАН 2013 ЙИЛНИНГ «ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИ» ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИНИШИ НЕГИЗДА АВВАЛАМБОР ЮРТИМИЗНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ОБОД ҚИЛИШ, ХАЛҚИМИЗ ТИНЧ ВА ФАРОВОН ЯШАЙДИГАН ҲАЁТНИ БАРПО ЭТИШ ҲОЯСИ МУЖАС-САМЛАШГАН.**

Дарҳақиқат, ободлик тушунчасининг кўлами жуда кенг. Биз унинг бир қирраси — пойтахтимиз Тошкентнинг озодлиги борасидаги ҳамшаҳарларимизнинг фикр-мулоҳазаларига тўхталмоқчимиз.

— Пойтахтимизни айлансангиз ободлаштириш, тозалаш ишлари билан машғул ишчиларга кўзингиз тушади, — дейди **психолог Бахтиёр Юсупов**. — Улар тинимсиз меҳнат қилиб, шаҳримиз озода ва кўркам бўлиши учун тер тўқади. Кўча-кўчаларни супуриб-сидиради, бекат, дўкон ва йўлақлар четига ўрнатилган махсус чиқинди идишларни бўшатиб, тозалашади.



Бироқ уларнинг меҳнатини қадрламайдиган, ўзи яшайдиган шаҳар озодлиги ҳақида ўйламайдиган айримлар кераксиз буюмларни дуч келган ерга ташлаб кетади. Бу ўша одамларда тарбия маданияти етарли даражада шаклланимаганини кўрсатади. Бундай кишиларнинг хатти-ҳаракати оила аъзоларига, айниқса, болалар тарбиясига ҳам салбий таъсир бўрсатади. Мана шу жойда боланинг кўчада юриш маданиятига пугур етади. Шундай ота-оналар ҳам борки, фарзандини ўқитса, яхши кийинтирса, қоринни тўйдирса, ахтиёжи учун пул берса, етарли деб ўйлайди. Менинг назаримда, уларга шаҳримиз тозаллиги тўғрисида ҳам тушунча беришимиз ва кўчада юриш ододини ўргатишимиз керак. Маданиятли бола ҳар қандай ҳолатда ҳам кўлидаги кераксиз нарсани исталган жойга

ташлаб кетавермайди. Аксинча, йўлда ётган чиқиндини олиб ташлашга ҳаракат қилади. Ўз уйида саранжом бўлган киши кўчада ҳам ўзини шундай тулади. Демак, болаларга озодлик, ўзгалар меҳнатининг қадрига етиш каби одатларни ўқитиб боришимиз лозим.

— Бир кунги автобус бекатини супураётганим, — дейди **Олмазор туман ободлаштириш гуруҳи ишчиси Ирина Содикова**. — Мен тозаллаб бўлган ерга ўқувчи қизлар келиб писта чақитди. Уларга чиқинди идишни кўрсатиб, «мана бу идиш бекорга қўйилмаган, пўноғини шунга солинглар!» десам, уялиб қолишди. Кўрдингизми, уларга шу ҳақда илгарича ким гапирмаган.

— Шаҳримиз тозаллигини сақлаш фақат унга мутасадди бўлган ходимларнинг эмас, балки барчамизнинг вазифамиздир, — дейди **Тошкент темир йўл муҳандислари институти ўқитувчиси Хасан Абдусаммадов**. — Қадимда ҳам ота-боболаримиз турли ҳашарлар

ди. Келинларимизнинг саҳардан ҳовлига сув сепиб, супуриши ҳам энг яхши урф-одатларимиздан бири. Азалдан ота-боболаримиз сувни муқаддас санаб, унга ахлат ташламасликка чақирган. Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) ҳам «Хонадон ва унинг атрофларини озода сақланг,

йўл озода турса, одамнинг кайфияти яхшиланади, — дейди **Олмазор туман «Хислат» маҳалла оқсоқоли Аҳмад Кўчқоров**. — Ҳар сафар маҳалламиз атрофида ободлаштириш ходимлари ишлаган пайтда кузатиб тураман. Улар жазирамада, совуқ, изғиринли кунларда ҳам меҳнат қилади. Супуради, тозалайди. Афсуски, бир қанча вақт ўтиб кўчаларда яна ташлаб кетилган чиқиндилар пайдо бўлади. Ачинарлиси, ёш болалар эмас, айрим ёш катта кишилар ҳам тозалликка амал қилмайди. Ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқариб, шаҳримиз озодлиги учун курашсак, тозаллик қондаларига риоя этиб, бошқаларга ўрнак бўлсак, пойтахтимиз янада чиroyли бўлаверади.

— Уйимиз атрофида ёш оилалар истиқомат қилади — дейди **талаба Дилрабо Исмоилова**. — Кўп хонадонларга янги келин тушган. Улар ҳар кунги ўз ҳовлиси атрофини тозалайди. Назаримда, озодлик оиладан бошланади. Оналаримиз вояга етаётган қизларига уй ва унинг атрофини тоза тутиш, кўп қаватли уйларида йўлақларни супуриш, чиқиндиларни ажратилган жойга ташлашни ўргатишлари керак.

Шаҳарга келган одам, биринчи навбатда тозалликка эътибор беради. Дунёда шаҳарлар озодлиги, ҳавосининг софлиги, экологик вазиятини баҳолаб борадиган турли жамоат ташкилотлари бор. Биз мамлакатимиз пойтахти — Тошкент шаҳрини яхши кўрамиз. Шу ўринда унинг тозаллиги, софлиги, учун ҳам барчамиз масъул эканлигимизни унутмайлик.

зеро тоза ва саранжом уйга барака келади» деганлар. Шундай экан биз ҳам тева-рақ-атрофини, қолаверса, бутун шаҳримизни озода тутишимиз, ободлаштириш хизмати ходимлари меҳнатини ҳурмат қилишимиз — ҳам қарз, ҳам фарз.

— Узимиз ҳаммиз ўтайдиган

- Кўчада сигарет қолдигини отиб юбордингиз.
  - Сув идишини лоқайд ўқитдингиз.
  - Уйингизда йилган чиқинди дезангиздан пастга ташланди.
  - Музқаймоқ қоғозини машина ойнасидан итқиндингиз.
  - Бекатда писта чақапсиз, пўноғи эса шундай обғингиз остига тушпти...
- Сиз бу хатти-ҳаракатингиз билан шаҳримиз тозаллигига, чиroyлигига, маданиятига пугур етказаясиз!**
- Нурдали УЛУҒОВ,**  
Ўзбекистон Миллий университети  
Олий журналистика курси тинловчиси.



## Хориж

### НЕФТЬ ҚАЗИБ ОЛИШ

бўйича биринчи ўринга чиқиши мумкин

**Халқаро энергетика агентлиги йиллик ҳисоботини эълон қилди. Унда қайд этилишича, янги қонларни ишга тушириш борасидаги фаоллик АҚШни 2020 йилга бориб нефть қазиб олиш бўйича дунёда биринчи ўринга чиқишини таъминлаши мумкин.**

Шундай қилиб, неча йиллардан бери етакчиликини кўлдан бермай келаётган Россия ва Саудия Арабистони энди иккинчи ўринга тушиб қолади.

Яна бир гап. Эҳтиёжининг 20 фоизини четдан импорт қилинган нефть ҳисобига қопла-

ётган АҚШ 2030 йилга бориб экспортёр мамлакатга айланади. АҚШ энергетика вазирлигининг маълумотларига қараганда, бу йил АҚШда нефть қазиб олиш даражаси ўртача 7 фоизга ошган ва бир кеча-кундузда 10,76 миллион баррелга етмоқда.



## 35 ЙИЛ МУДДАТГА

қамоқ жазоси берилади

**Перуда янги қонун кучга кирди. Унга кўра, кимки ёки қайсики ташкилот террорга алоқадор бирор-бир гуруҳга (бу гуруҳ мамлакат ичиде ёки ташқарисиде бўлишидан қатъи назар) молиявий кўмак берса ёки ҳомийлик қилса, ажратган маблағи қанча бўлишидан қатъи назар, 20 йилдан 35 йилгача қамоқ жазосига маҳкум этилади, дея хабар беради ИТАР-ТАСС.**

Перунинг антитеррор полицияси маълум қилишича, бугунги кунда мамлакатда умрбод қамоқ жазосига ҳукм қилинган Абимазал Гусман («Сендеро луминосо» террорчилик ташкилоти асосчиси) кўрсатмалари бўйича иш қўрувчи «Амнияти ва асосий ҳуқуқлар учун» ҳаракати яширинча фаолият олиб бормоқда. «Сендеро луминосо» террорчилик ташкилоти 1980-90 йиллар-



да Перуда фаол ҳаракат қилган. Айнан улар уюштирган бузуғчиликлар оқибатида 70 миңдан ортиқ одам ҳаётдан кўз юмган.

# Ўзбекистон Банклари уюшмаси ҳузурида ташкил этилган иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларидаги Инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашни молиялаштириш фонди кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳа ғояларини танлаш бўйича танлов эълон қилади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги 2010 йил 26 ноябрдаги 1438- ва «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури тўғрисида»ги 2011 йил 7 февралдаги 1474-сон Қарорлари ижросини таъминлаш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини инвестиция лойиҳаларида иштирокини рағбатлантириш йўли орқали улар учун янада қулай шарт-шароитларни яратиш мақсадида Ўзбекистон Банклари уюшмаси ҳузурида Инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашни молиялаштириш фонди ташкил этилди.

Лойиҳа ғоялари ва уларнинг лойиҳа ҳужжатларини молиялаштириш танлов асосида

амалга оширилади. Танлов кўйидаги йўналишларда амалга оширилади: янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш, жорий фаолият кўрсатаётган санаят корхоналарини модернизациялаш ҳамда техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва янгилаш.

Танловда қатнашиш учун инвестиция жиҳатидан жозибдорликка ва санаят соҳасида татбиқ этиш истиқболига эга, шунингдек, маҳаллий хомашё ва материаллардан фойдаланган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш ҳамда меҳнат унумдорлигини ошириш имконини берувчи ва бошқа ғоялар қабул қилинади.

Танловда ўз лойиҳа ғояларини ҳамда улар бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш ва молиялаштириш учун юридик шахслар иштирок этишлари мумкин.

2-илова

**Инвестиция таклифининг НАМУНАВИЙ ШАКЛИ**

1. Лойиҳанинг номи;
2. Лойиҳа ташаббускори тўғрисидаги умумий маълумотлар: номи ва реқвизитлари; асосий фаолият тури; асосий иқтисодий (ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг (кўрсатилган хизматларнинг), экспортнинг ва бошқаларнинг қиймати ва ҳажми) ҳамда молиявий кўрсаткичлари.
3. Негизда лойиҳани амалга оширилиши режалаштирилётган корхона(мавжуд бўлганда) тўғрисидаги маълумотлар: корхонанинг номи ва реқвизитлари; асосий фаолият тури, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ва кўрсатиладиган хизматлар тури;

ҳозлаш ёки бошқа йўналишлар.

- 4.4. Молиялаштириш: лойиҳанинг тахминий қиймати, шу жумладан, қуриш ёки реконструкция қилиш қиймати; объектни фойдаланишга топширишнинг тахминий муддати; лойиҳани амалга ошириш учун ўз маблағларининг мавжудлиги ва қарз маблағларига бўлган эҳтиёж.
5. Лойиҳани амалга оширишдан қутилаётган натижалар: қутилаётган йиллик тушум ва соф фойда; экспорт ҳажми.

3-илова

**Инвестиция таклифининг ПАСПОРТИ**

(лоийҳанинг номи ва жойлашган жойи)

Танловда иштирок этиш учун кўйидаги ҳужжатларни тақдим этиш лозим:  
Ариза (намуна бўйича);  
Инвестиция таклифи (намуна бўйича);  
Инвестиция таклифи паспорти (намуна бўйича).  
Батафсил маълумот учун:  
Тел: +(998 71) 238-69-07, +(998 71) 238-69-08.  
Web-site: www.ffpd.uz; E-mail: pdf.fund@gmail.com.  
Манзил: Тошкент шаҳри, 100027, Шайхонтоҳур тумани, Асатулла Хўжаев кўчаси, 1-уй.  
Ўзбекистон Банклари уюшмаси биноси, 15-қavat.  
Мўлжал: «Истиқлол» санъат саройи, «Бунёдкор» метро бекати.

1-илова

**Лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқишни молиялаштириш юзасидан танлов бўйича танлашда қатнашиш учун БУЮРТМАНОМА**

1. \_\_\_\_\_  
(ташаббускор ташкилотнинг тўлиқ номи ва манзили)

2. \_\_\_\_\_  
(тақдим этилаётган ғоявий лойиҳанинг тўлиқ номи)

3. \_\_\_\_\_  
(Ф.И.О., алоқа телефонлари, факс, почта манзили, электрон почта)

4. Буюртманомага кўйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

- Инвестиция таклифи;
- Инвестиция таклифининг паспорти.

Тақдим этилган маълумотларнинг ишончлилигига кафолат бераман.  
Ташкилот раҳбари

\_\_\_\_\_ / \_\_\_\_\_  
(имзо, муҳр) (Ф.И.О.)

охириги 3 йилдаги асосий иқтисодий ва молиявий кўрсаткичлари (асосий воситаларнинг қиймати, ишлаб чиқарилган ва экспорт қилинган маҳсулотлар ҳажми, товар айланмаси, соф фойда ва бошқалар); умумий ҳудуди ва бўш ишлаб чиқариш майдонлари; мавжуд муҳандислик таъминоти воситалари ва инфратузилмаси тўғрисидаги маълумотлар; кадрлар потенциали.

4. Лойиҳа тўғрисида маълумотлар:

- 4.1. Маркетинг: ишлаб чиқариш учун тавсия этилаётган маҳсулот, товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишнинг прогноздаги ҳажми; дастлабки маркетинг тадқиқотларининг натижалари, ички бозорда сотиш ва экспорт қилиш имкониятининг баҳоси; мамлакатда ва минтақада шу каби маҳсулотларнинг асосий ишлаб чиқарувчилари (мавжуд бўлганда); маҳсулотнинг сифат ва нарх кўрсаткичлари бўйича рақобатбардошлигининг баҳоси.
- 4.2. Ишлаб чиқариш: лойиҳанинг хомашё ва бошқа материал ресурслар билан таъминланганлиги, уларнинг нархи, миқдори ва сифати бўйича баҳоси; зарур бўладиган ходимлар сони.
- 4.3. Қуриш, қайта тиклаш, модернизациялаш: инвестицияларни йўналтириш — янги қуриш, қайта тиклаш, техник жиҳатдан қайта жи-

| № п/п | Кўрсаткичлар номи   | Ўлчов бирлиги           | Лойиҳа параметрлари | Изоҳ |
|-------|---|-------------------------|---------------------|------|
| 1.    | Лойиҳанинг умумий қиймати, шу жумладан:                       | минг долл.              |                     |      |
| 1.1.  | миллий валютада   | млн. сўм                |                     |      |
| 1.2.  | хорижий валютада  | минг долл.              |                     |      |
| 2.    | Хорижий валютадаги харажатлар, ҳаммаси:                       | минг долл.              |                     |      |
| 2.1.  | шу жумладан, жиҳозлар сотиб олиш учун                         | минг долл.              |                     |      |
| 2.2.  | қурилиш-монтаж ишлари учун                                    | минг долл.              |                     |      |
| 3.    | Миллий валютадаги харажатлар, ҳаммаси                         | млн. сўм                |                     |      |
| 3.1.  | шу жумладан, асбоб-ускуналар харид қилиш учун                 | млн. сўм                |                     |      |
| 3.2.  | қурилиш-монтаж ишларига                                       | млн. сўм                |                     |      |
| 4.    | Ишда банд бўладиганларнинг тахминий сони                      | киши                    |                     |      |
| 4.1.  | шу жумладан, янги ташкил этиладиган иш ўринларида             | киши                    |                     |      |
| 5.    | Лойиҳанинг тахминий қопланиш муддати, ҳаммаси                 | йил                     |                     |      |
| 6.    | Ҳар йили ишлаб чиқариладиган маҳсулот миқдори, натура шаклида | ўлчов бирлигига мувофиқ |                     |      |
| 6.1.  | шу жумладан, экспорт учун                                     | ўлчов бирлигига мувофиқ |                     |      |



## «ҚОР ПАРЧАСИ» — ҚИЗЛАРНИНГ СЕВИМЛИ ТУРНИРИ



Муҳаммад АМИН (Ўза) олган сурат.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ташаббуси билан 2005 йилдан бери мунтазам ўтказиб келинаётган ушбу мусобақада бу гал 2000 — 2007 йилларда туғилган қизлар етти ёш гуруҳига бўлинган ҳолда голиблик учун баҳс юритди. Турнирда Тошкент шаҳридан ташқари, Бухоро, Навоий, Қашқадарё, Андижон ҳамда пойтахт вилоятидан келган ёш нафосат маликалари майдонга тушди.

Иштирокчилар арғамчи, копток, тасма, булава ҳамда халқа билан ўз маҳоратларини на-

(Давоми. Боши 1-бетда.)

моиш этди. Эътиборлиси, ёш бадий гимнастикачиларнинг чиқишларини халқаро тоифадаги спорт устаси Камилла Тўхтаева, спорт усталари Элеонора Муҳаммадиева, Екатерина Сафронова, Влада Эш-таева, Ирина Замятина сингари мутахассислар баҳолаб борди.

— Кейинги пайтларда бошқа худудларда бўлгани сингари вилоятимизда ҳам спортнинг мазкур нафис тури жадал ривожланиб бораётти, — дейди Қашқадарё вилояти терма жамоаси бош мураббийи Вера Катаева. — Айни чоғда вилоятимиз шаҳар ва туманларида мингдан зиёд қиз бадий гим-

настика сирларини ўрганмоқда. «Қор парчаси — 2012» турнирига ўн нафар шогирдимиз билан келдик. Бу мусобақа қизларимиз учун ўзига хос маҳорат дарсини ўтаб бераётганлиги қувонарлидир.

90 нафарга яқин қиз иштирок этган мусобақада Нигора Раимова, Зулфия Исроилова, Татьяна Ким, Айде Гасанова, Полина Тэн каби бадий гимнастикачилар маҳорати юқори баҳоланди.

Мусобақа сўнггида голиб ва совриндорлар ташкилотчилар томонидан медаль, диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Самандар БОБОРАЖАБОВ

### Спорт

## ЛИНАРА АСАНОВА — ОСИЁ ЧЕМПИОНИ!

ШУ КУНЛАРДА НАНЧАНГ (ХИТОЙ)ДА ПНЕВМАТИК ҚУРОЛДАН ЎҚ ОТИШ БЎЙИЧА ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ ҚИЗГИН ДАВОМ ЭТМОҚДА. УНДА ҲАМЮРТЛАРИМИЗ ҲАМ МУНОСИБ ҚАТНАШАПТИ.

Жумладан, чемпионат дастуридан жой олган тўппочадан ўқ отиш бахсларида мохир спортчимиз Линара Асанова олтин медалга сазовор бўлди. Линара 40 метр масофадан тўппоча-

дан ўқ отишда жами 480,2 балл жамғариб, қўтғада тенгсиз деб топилди.

Яна бир вакиламіз Нилуфар Худойбердиева эса бешинчи натижа билан кифояланди.

## ПАРАЛИМПИЯЧИЛАР — ТАТАМИДА

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ «ЖАР» СПОРТ МАЖМУИДА ДЗЮДО БЎЙИЧА ИЛК МАРОТАБА ЖИСМОНИЙ ИМКОНИАТИ ЧЕКЛАНГАНЛАР ЎРТАСИДА ЎЗБЕКISTON ЧЕМПИОНАТИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Унда Тошкент шаҳридан ташқари, Бухоро, Самарқанд, Андижон, Наманган ҳамда Қашқадарё вилоятларидан ташриф буюрган етмиш нафарга яқин дзюдочи голиблик учун татамига чиқди.

Қизқарли ва мурасасиз кечган беллашувларда эркаклар олти, аёллар беш вазн тоифасида куч синашдилар. Ўз вазн тоифасида Шерзод Намозов (67 кг), Феруз Саидов (73 кг), Шухрат Бобоев (90 кг, уччаласи ҳам Бухоро), Ўткир Нигматов (66 кг, Самарқанд),

Санжар Собиров (81 кг, Қашқадарё) ҳамда Суннат Дангалов (100 кг, Тошкент)лар барча рақиблирини енгиб, шохсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди.

Аёллар ўртасида ўтган бахсларда эса пойтахтлик Ойдин Авезова (48 кг), Зулфизар Тўраева (57 кг), Сайёра Хожиматова (70 кг), хоразмлик Юлдуз Эркаева (63 кг) ҳамда Гулруҳ Раҳимова (78 кг)лар мамлакат чемпионатининг олтин медаллари билан тақдирландилар.

Эркин ХОЛБОБО

## ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI MXX DAVLAT CHEGARALARINI CHIMOY QILISH QUMITASI

иш тажрибасига, моддий-техника базасига эга бўлган барча қурилиш корхона ва ташкилотларини мудофаа ҳамда фуқаролик биноларини қуриш, таъмирлаш ва реконструкция қилишда қатнашиш учун



### ҲАМКОРЛИККА ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Бизнинг таклифимизга хоҳиш билдирган барча ташкилотлар маълумот олиш учун (8-371) 241-41-06 телефони орқали мурожаат қилишлари мумкин.

Иш вақти ҳар куни соат 10-00 дан 18-00 гача.

Корхоналар ўз тижорат таклифларини қуйидаги манзилга буюришлари мумкин: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Абдулла Кодирий кўчаси, 5-А уй.



1-Республика тиббиёт коллежи томонидан 2005 йилда Хатамов Сирожиддин Садриддинович номига берилган К№279550 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар Миробод туманидаги «BIZNES ESKALEYТ LYUKS» МЧЖ (ОКПО 23205420, ИНН 301532784)

### ТУГАТИЛАДИ.

Давво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой ичида қуйидаги манзилда қабул қилинади: Миробод тумани, Нукус кўчаси, 33-а уй. Телефон: 370-33-33

### Реклама



# «ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ»

акциядорлик компанияси тизимидаги

## «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» филиали жамоаси

халқимизни яқинлашиб келаётган

### Янги йил байрами билан муборакбод этади!

Юртимиз тинч, дастурхонларимиз тўкин,  
хонадонларимиз ҳамиша нурафшон бўлсин.

## «Обод турмуш йили»да мамлакатимизда тўй ва байрамлар янада кўпаяверсин!



#### MUASSIS:



O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

#### TAHRIR HAY'ATI:

|                     |                             |                         |
|---------------------|-----------------------------|-------------------------|
| Abdulla ORIPOV      | Murodulla ABDULLAYEV        | Muslihiiddin MUHIDDINOV |
| Latif G'ULOMOV      | Ulug'bek MUSTAFOYEV         | Ochilboy RAMATOV        |
| Bobir ALIMOV        | Tat'yana KISTANOVA          | Saidahmad RAHIMOV       |
| Sharbat ABDULLAYEVA | (Bosh muharrir o'rinbosari) |                         |

#### BO'LIMLAR:

Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-11-49; Madaniyat va ma'naviyat — 233-69-45; Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55; Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56; Sport va vatandorlik — 233-44-55; Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Koriyot — 233-72-83, 236-55-17.

#### MANZILIMIZ:

100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi. Korxonada manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 1246 9458 nuxsada bosildi.

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi: Erkin XOLBOBOYEV

Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

ISSN 2000-7433



1 2 3 4 5